

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Тешабоева Умида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари

2013–2014 йилларда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бир қатор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганиш мақсадида мониторинг ўтказди. Бугунги кунда мамлакатимизда вазирлик ва идоралар тасарруфида 12 198 та ахборот-кутубхона муассасалари мавжуд бўлиб, унда 29 497 мутахассислар фаолият юритади. Шундан: олий маълумотли – 20%, махсус, олий маълумотли – 9%, ўрта махсус маълумотли – 71% ташкил қилади.

Мониторинг натижалари таҳлил қилинганда, ҳудудларда олий маълумотли ахборот-кутубхона мутахассислари етишмаслигини, аксар ҳолларда, таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази раҳбар ва ходимлари бошқа соҳа вакили эканлиги аниқланди. Бу эса, ишлаб турган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни талаб этиб, соҳанинг кейинги ривож учун кадрлар билан таъминланганлик муаммоси жуда долзарб ва тезликда ўз ечимини топиши зарур бўлган масала эканлигини кўрсатди.

Миллий кутубхона мутахассислари томонидан республиканинг турли вилоятларида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг истиқболларига бағишланган сайёр-семинарларни ташкил қилиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини саволнома асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бундай ўрганишлар Миллий кутубхонага ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари томонидан ёзилган шикоят хатларини жойига чиқиб ўрганиш асосида ҳам амалга оширилади. Айтиш жоизки, аксар ҳолларда шикоят хатларида кўтарилган масалалар ахборот-ресурс марказида ишлаётган кадрлар мутахассислиги бошқа эканлиги, ишлаб турган ходимлар малакасини ошириш ишлари умуман тўхтаб қолгани, мутахассис ходимларнинг ахборот технологиялари (компьютер) соҳасидаги билим ва кўникмалари етарли эмаслиги сабаб иш жараёнларида ўсиш ва ривожланиш суратлари пасайиши юзага келгани маълум бўлмоқда.

2015 йилнинг январ-феврал ойларида Сирдарё ва Жиззах вилоятларига қилинган хизмат сафарлари таълим муассасалари ахборот-

ресурс марказлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилаётганини кўрсатди. Лекин кутубхоналардаги мавжуд техникадан фойдаланиш талаб даражасида эмас, баъзи мутахассислар бу борада малакага - техник ускуналардан фойдаланиш қоидалари бўйича тушунчага эга эмаслар, локал тармоқ жиҳозлари (кабель, Хаб, свитч ва роутер) мавжуд, аммо улар компьютерларга улашиб, ишлаши таъминланмаган ва бошқалар. Шу билан бирга, барча АРМлар сканерлар билан жиҳозланган, лекин ходимлар ундан фойдаланишни билмайди, компьютердан кенг фойдаланиш ва шу орқали китобхонларга хизмат кўрсатиш ҳамда мавжуд электрон ресурслардан (CD ва DVD дисклар) унумли фойдаланиш даражаси қониқарли эмас. Ахборот-кутубхона муассасаларида техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигига эришиш, фақатгина ундан доимий равишда ўринли фойдаланишда ўз аксини топади.

«Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ—1729-сон қарорида замонавий ахборот-кутубхона технологияларини жорий этиш, Миллий кутубхонада ахборот-кутубхона муассасалари кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда норматив-методик базани янада такомиллаштириш вазифаси ижросини таъминлаш мақсадида, 2015 йилнинг январь ойидан кутубхонада «Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига Ўзбекистон Миллий кутубхонаси технологияларидан фойдаланган ҳолда услубий ёрдам кўрсатиш ўқув машғулотлари» ташкил қилинди.

Ўқув машғулотларини ташкил қилишдан асосий мақсад — ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги шакл ва методларини, ахборот-кутубхона технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги, ахборот хавфсизлиги, кутубхона ресурсларидан очиқ фойдаланиш, электрон каталог ва электрон кутубхоналарни ташкил қилишга қўйилган талаблар, электрон ва мультимедиа ресурсларни сақлаш масалаларини ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига кенг ёритиш, етказишдан иборат.

Ўқув машғулотлари тингловчилари учун дастурга кўра куннинг биринчи ярмида назарий билимлар ва иккинчи ярмидан эса, олган назарий билимларини амалиётда қўллаш орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Режага кўра, маърузалар ахборот-кутубхона фаолиятининг энг асосий йўналишларини қамраб олган. Бу, мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳаси қонунчилиги, ахборот-кутубхона фаолиятининг таркибий тузилмаси, миллий ва давлатлараро стандартларни қўлла-

нилиши, кутубхона фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тузиш методикаси, ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти сифатини аниқлашнинг принцип ва методлари, социологик тадқиқотларни ўтказиш (ҳужжатларни контент-таҳлили, сўровномаларни тузиш, ўтказиш, тадқиқот натижаларига кўра ҳисоботларни тайёрлаш), ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги шакллари (ресурсларни масофадан етказиб бериш, виртуал хизматлар ва бошқ.), имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, кутубхоналарда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, ахборот хавфсизлиги ва электрон ресурсларни яратиш (рақамлаштириш) ва сақлашни таъминлаш масалалари, фондларни тўлдириш ва электрон каталогларни тўғри ёритиш каби маърузалар билан танишиш имконини беради.

Ўқув машғулотлари тингловчилари кутубхона технологияларидан фойдаланган ҳолда, автоматлаштирилган тарзда (ААКТ - автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими дастурида) фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни амалга оширадilar. Бу, китобхонларни рўйхатдан ўтказиш ва ID-картни бериш, китоб бериш кафедраларида китобхонлар буюртмаларини қабул қилиш ва бажариш, электрон каталогда ишлаш ва буюртмаларни расмийлаштириш, ресурсларни электрон шакли мавжуд бўлса у билан ишлаш, кутубхона веб-сайти орқали онлайн-буюртмани қабул қилиш, масофадан хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этиш, ресурсларни юқори даражадаги сканерларда рақамлаштириш, хорижий илмий-таълимий ресурслар билан хизмат кўрсатиш, фойдаланувчилар талабларига кўра фондларни шакллантириш ва бошқалар. Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона технологияларидан мустақил фойдаланиш имкониятини яратилгани, мутахассисларини ўз марказларида техника воситаларидан янада самаралироқ фойдаланишига ёрдам беради.

2015 йилнинг январь-феврал ойларида ўқув курсларида жами — 46 нафар мутахассис қатнашди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари — 33 нафар; Фанлар академияси Асосий кутубхонаси мутахассислари — 2 нафар; Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари — 1 нафар; Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари — 1 нафар; Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари — 9 нафар.

Ўқув курслари тингловчилари билан машғулотлар якунида Анкета-саволнома асосида тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотни ўтказишдан мақсад - ўқув курсларини зарурийлигини билиш, қандай мавзуларни кенгроқ ёритиш, Миллий кутубхона мутахассислари касбий маҳоратини

билиш, олинган билимларни фойдалилигини ҳамда ахборотни тақдим этиш даражасини аниқлашдан иборат эди. Анкета икки қисмдан ва 20 та саволдан ташкил топиб, кутубхона раҳбариятига ўқув машғулотларини тўғри ташкил этилганлиги ҳақидаги умумий фикрни ва ҳар бир маърузачининг касбий маҳоратини билиш имконини берди.

Саволномалар таҳлил қилинди ва бугунги кунда кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари мутахассислари бундай ўқув машғулотларини тўғри ташкил қилинганини эътироф этиб, Миллий кутубхонада қўлланилаётган дастурий таъминотлар ва глобал тармоқда кутубхона ресурсларини ақс эттирган электрон базалар билан ишлашни, таълим муассасаси ёхуд ахборот-ресурс марказининг расмий веб-сайти орқали виртуал хизматларни амалга оширишни, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда турли тадқиқотларни ўтказиш, таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида кутубхона ишини режалаш, ривожлантириш, кўрсатиладиган хизматлар турини кўпайтиришга эришишни жойларда кутубхоналар фаолиятига татбиқ қилиш мумкинлиги даражасини 75% дан юқори деб кўрсатганлар.

Кутубхона томонидан ўқув машғулотлари тингловчиларига ўз ахборот-ресурс марказлари электрон фондиди тўлдиришлари учун электрон ва мультимедиа ресурслари тақдим қилинди. Уларда бадиий адабиётлар, маънавий-маърифий мавзудаги адабиётлар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, маълумотнома нашрлар, ахборот-кутубхона соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ўрин олган. Курс тингловчиларига курсни ўтаганлиги ҳақидаги диплом берилди.

Миллий кутубхонада ташкил қилган ҳафталик ўқув машғулотларида ахборот-кутубхона соҳасининг барча жабҳаларини ўрганиш тўлиқ қамраб олинмаганлиги, шунингдек, бу курсларни тўлақонли малака ошириш ҳам дейиш тўғри эмас. Лекин ҳаракатсизликдан кўра, имкон қадар ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларини бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасалари олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ёрдам бериш, ҳар томонлама кўмаклашиш йўлидаги илк қадамдир.

Миллий кутубхона бир қатор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда «Ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш ҳақида» Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритган бўлиб, у ўрнатилган тартибда кўриб чиқилмоқда. Лойиҳада ахборот-кутубхона муассасаси мутахассислари учун бир ва уч ойлик қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари Миллий кутубхона базасида ҳамда вилоят ахборот-кутубхона марказлари негизида ўқув-маслаҳат марказларини ташкил этилиши белгиланган.